

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ

“АХБОРОТ СОАТИ”
МАТЕРИАЛЛАРИ

Ҳафтанинг ижтимоий – сиёсий воқеалари
(2015 йил 7- декабрдан 12-декабргача)

№14

Тошкент – 2015

Тинчлик, хавфсизлик ва тараққиёт йўлида ҳамкорлик

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедовнинг таклифига биноан Туркменистон бетарафлигининг 20 йиллигига бағишланган тадбирларда иштирок этиш учун 11-12 декабрь кунлари ушбу мамлакатда бўлди.

Ташрифнинг асосий воқеалари 12 декабрь куни бўлиб ўтди.

Президентимиз хорижий давлатлар раҳбарлари билан бирга Бетараф Туркменистон майдонига ташриф буюрди. Ушбу мамлакатнинг бетарафлиги тимсоли бўлган Бетарафлик монументи пойига гул қўйди.

1995 йил 12 декабрда Туркменистоннинг доимий бетарафлик мақоми тан олингани тўғрисида БМТ Бош Ассамблеясининг резолюцияси қабул қилинган.

Ушбу сананинг 20 йиллиги муносабати билан Ашхободда “Бетарафлик сиёсати: тинчлик, хавфсизлик ва тараққиёт йўлида халқаро ҳамкорлик” мавзуида халқаро конференция бўлди. Конференцияда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади.

— Аввало, Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов ва туркман халқини миллий байрам — Туркменистон бетараф мамлакат деб эълон қилинганининг 20 йиллиги билан самимий табриклайман, — деди Ислом Каримов.

Туркменистоннинг бетарафлик мақоми халқаро миқёсда эътироф этилиши мамлакат янги тарихида туб бурилиш қилган, давлат қурилишининг асосий босқичлари ва ташқи сиёсатининг устувор йўналишларини белгилаб берган муҳим воқеалардан биридир.

БМТ Бош Ассамблеясининг 1995 йил 12 декабрда қабул қилинган “Туркменистоннинг доимий бетарафлиги” резолюцияси ўзига хос ноёб ҳужжатдир. Туркменистон БМТнинг ушбу резолюциясини мамлакатнинг Асосий Қонунига киритиб, ўзининг бетарафлик мақомини конституциявий мустаҳкамлаган ягона давлатдир.

Шуни таъкидлаш кераки, деди Президентимиз, ушбу халқаро ҳуқуқий мақом асосини Туркменистоннинг тарихий, географик ва этномаданий хусусиятлари, авваламбор, туркман халқига хос бўлган тинчликпарварлик, меҳнатсеварлик, бағрикенглик ва яхши қўшничилик каби азалий фазилатлар ташкил этади.

Туркман халқининг бундай фазилатларини ушбу мамлакатнинг энг яқин қўшнисини бўлган Ўзбекистон халқи яхши билади ва юксак қадрлайди. Бизнинг

муносабатларимиз асрлар давомида вақт синовидан ўтган. Халқларимиз оғир кунларда бир-бирига елкадош бўлиб, қувончу шодликларни баҳам кўриб келган.

Давлатимиз раҳбари ўзбек ва туркман халқининг тарихи, тили, дини ва анъаналари бир, мақсадлари муштарак эканини алоҳида қайд этди.

Мазкур конференция Туркменистоннинг шу йиллар давомида босиб ўтган йўлини таҳлил этиш, сарҳисоб қилиш ва мамлакатнинг бугунги тараққиёт босқичлари ҳақида фикр юритиш имконини беради.

Бетарафлик мақоми нафақат Туркменистон халқининг узоқ муддатли манфаатларига, балки минтақамизда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга хизмат қилаётганини исботлашнинг зарурати йўқ, деб ўйлайман, деди Ислом Каримов.

Туркменистонни бетараф давлат сифатида эълон қилиш тўғрисидаги қарор СССР парчалангандан сўнг, собиқ иттифоқнинг деярли барча республикалари ривожланишнинг мақбул йўллари топиш, ўз мамлакати келажагини таъминлашнинг миллий моделини ишлаб чиқиш бўйича изланаётган бир пайтда қабул қилинди.

Собиқ иттифоқ республикалари ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда мустақил тараққиёт йўлини танлади.

Ёш ва мустақил Туркменистон учун бетарафлик мамлакат ички ва ташқи сиёсатини ўзида мужассам этган узоқ муддатли мақсад ва вазифаларни амалга оширишнинг ўзига хос шакли ва мустаҳкам асоси бўлиб хизмат қилди.

Туркменистоннинг доимий ижобий бетарафлик мақомига эга давлат сифатида замонавий ривожланиш даври бевосита Гурбангули Бердимухамедов номи билан боғлиқдир. У Президент лавозимида фаолиятини бошлагач, Туркменистоннинг бетарафлик мақоми сифат жиҳатидан янги мазмун билан бойиди, деди Президентимиз.

Гурбангули Бердимухамедов 2007 йил БМТ минбаридан Туркменистоннинг халқаро ҳамжамият учун очиклиги, мамлакатнинг бошқа давлатлар билан кенг кўламли ҳамкорликка тайёр эканини баён қилиб, бетарафлик ўз қобиғига ўралиб қолиш, халқаро муносабатлар ва ҳамкорлик алоқаларидан ўзини тийиш деган тушунчаларга чек қўйди. Бу билан Туркменистоннинг янги ташқи сиёсат стратегиясини белгилаб берди.

Ўтган давр мобайнида Туркменистон Президенти халқаро тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш, транспорт-коммуникация, энергетика соҳалари, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, Оролни қутқариш бўйича

хамкорликка оид долзарб масалалар юзасидан кўплаб амалий таклиф ва ғояларни илгари сурди. Ашхободда БМТнинг Марказий Осиё учун превентив дипломатия бўйича минтақавий марказини ташкил этиш ҳақидаги ташаббуси шулар жумласидандир.

Гурбангули Бердимухамедовнинг Каспий денгизида транспорт соҳасида хамкорлик бўйича битим ишлаб чиқиш, БМТнинг Транспортни ривожлантиришга доир минтақалараро махсус дастурини қабул қилиш, Туркменистонда БМТ Бош Ассамблеясининг Транспорт коридорлари тўғрисидаги резолюциясини амалга оширишга бағишланган минтақавий симпозиумни ўтказиш ҳақидаги таклифлари алоҳида эътиборга лойиқдир, деб таъкидлади Ислом Каримов.

Йирик транзит-транспорт салоҳиятига эга Туркменистон айна пайтда кўшни давлатлар билан хамкорликда темир йўл, автомобиль, денгиз ва ҳаво йўллари орқали қатновни ўз ичига олган кенг тармоқли мультимодаль инфратузилмани шакллантирмоқда. Мамлакатларимиз транспорт йўллари минтақадаги барча давлатларнинг Эрон, Форс кўрфази ва Қора денгиз бўйида жойлашган мамлакатлар бандаргоҳларига, Жануби-шарқий Осиё, Яқин Шарқ ва Шимолий Африка бозорларига чиқишини таъминлайдиган ягона тизимнинг интеграциялашган бўғинига айланиши даркор.

Бугунги учрашувимиз халқаро майдонда вазият шиддат билан ўзгариб бораётган, геосиёсий кескинлик ва қарама-қаршилик кучайиб, глобал молиявий-иқтисодий инқироз давом этаётган, жаҳон бозорларида конъюнктура беқарор бўлиб турган бир шароитда ўтмоқда.

Халқаро терроризм, экстремизм ва радикализм кенгайиб бораётгани ғоят жиддий ташвиш уйғотмоқда. Бутун дунё кескин ўзгаришларни бошдан кечирмоқда, халқаро хавфсизлик архитектураси ўзгариб бормоқда.

Табиатда вакуум, яъни бўшлиқ бўлмайди, деган ҳақиқатни такрорлашга эҳтиёж йўқ, деб ўйлайман, деди давлатимиз раҳбари. Бўшлиқ пайдо бўлган жойда уни, биринчи галда, ҳеч қандай чегара ва чекловларни билмайдиган турли бузғунчи ва босқинчи кучлар эгаллаб олади.

Кўшни Афғонистондаги бугунги аҳволни қарама-қарши томонлар — асосан ҳукумат кўшинлари ва толибонлар ўртасидаги низо чўзилиб кетаётгани билан изоҳлаш мумкин. АЙСАФ ҳарбий контингентининг Афғонистондан олиб чиқиб кетилиши, шунингдек, ушбу мамлакатни ташқи молиявий қўллаб-қувватлаш камайгани вазиятни янада мураккаблаштирди.

Афғонистондан хорижий кўшинларнинг олиб чиқилиши оқибатида юзага келган бўшлиқни Яқин Шарқ минтақасидан қочиб чиқаётган босқинчи ва террорчи гуруҳлар эгаллаб олаётгани бу фикрнинг тасдиғидир.

Афғонистондаги вазият қандай кечишидан қатъи назар, шуни ишонч билан айтиш мумкинки, Афғонистон муаммосини фақат бир йўл, яъни ўзаро курашаётган томонлар ўртасида БМТ шафелигида тинч сиёсий музокаралар ўтказиш орқали ҳал этишдан бошқа йўл йўқ, деди Ислом Каримов. Ҳукумат ва “Толибон” ҳаракати ўртасида музокараларни қайта тиклаш муҳимдир. Бунда томонлар музокараларга киришишдан олдин бир-бирига ҳеч қандай шарт қўймаслиги керак. Ҳеч бир вазият ёки масала музокараларга тўсиқ эмас, балки муросага эришиш воситаси бўлиши даркор. Бунинг учун қатъий сиёсий иродага эга бўлиш, ўзаро муроса қилиш, бир-бирига ён босиш зарур.

Муроса, яна бир бор муроса, курашаётган томонларнинг ўзаро бир-бирига ён бериши — Афғонистон муаммосини ҳал қилишнинг ягона йўли мана шу.

Ўзбекистоннинг Афғонистон масаласи бўйича позицияси очиқ ва равшан. Биз Афғонистонга кўшни мамлакат сифатида барқарор ва дўстона муносабатларни миллий манфаатларимиз, ички ишларга аралашмаслик сиёсати асосида йўлга қўйганмиз ва шундай бўлиб қолади.

Айнан шунинг учун Ўзбекистон ҳеч қандай блокка кўшилмаган давлат сифатида ҳар томонлама пухта ўйланган сиёсат олиб бормоқда.

Яъни тинчликпарвар сиёсат юритиш, ҳарбий-сиёсий иттифоқ ва коалицияларга кўшилмаслик, ўз ҳудудида хорижий ҳарбий базалар ва объектлар жойлашувига йўл қўймаслик, ҳарбийлари чет эллардаги операцияларда иштирок этмаслик каби қатъий йўлни танлаган.

Кучларнинг глобал ва минтақавий жойлашувидаги мураккаб ўзгаришларга нисбатан Туркменистон билан ёндашувларимиз ўхшашлиги, замонамизнинг бошқа долзарб муаммоларини ошқора муҳокама этишга тайёрлигимиз бизнинг ҳамфикр эканимизни кўрсатади, деди Президентимиз.

Ўзбекистон Туркменистоннинг бетарафлиги бўйича вазмин ташқи сиёсат стратегиясини, халқаро ва минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлаш, минтақамиз мамлакатларининг иқтисодий интеграциялашуви ва барқарор ривожланишига қаратилган ташаббусларини ҳамиша қўллаб-қувватлайди.

Туркменистоннинг амалий халқаро ҳамкорлик учун очиқлигини эълон қилган бетарафлик концепцияси бундан кейин ҳам мамлакат мустақиллиги ва

суверенитетини мустаҳкамлаш, унинг миллий манфаатларини халқаро миқёсда илгари суришга хизмат қилишига ишонамиз, деди пировардида Ислоҳ Каримов.

Ташриф доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов ва Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедовнинг учрашуви бўлиб ўтди.

Ўзбекистон билан Туркменистон ўртасидаги ҳамкорлик барча соҳаларда изчил ривожланиб бормоқда. Бунда аввало икки давлат раҳбарлари ўртасидаги яқин дўстлик, ишонч ва ҳурмат муҳим аҳамият касб этмоқда.

Учрашувда Ўзбекистон ва Туркменистон муносабатларига юқори баҳо берилди. Ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш истиқболлари, минтақавий ва халқаро хавфсизликни мустаҳкамлаш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Дунёнинг турли минтақаларида вазият кескинлашмоқда, терроризм, экстремизм ва наркотрафик хавфи ортиб бормоқда, деди давлатимиз раҳбари. Бугун терроризм турли шакл ва кўринишларда намоён бўлмоқда, унинг туб сабаб ва манбаларига қарши курашиш зарур.

Гурбангули Бердимухамедов Президентимиз Ислоҳ Каримовга ушбу байрам ва халқаро конференцияда иштирок этгани учун миннатдорлик билдирди. Мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик барча соҳаларда изчил ривожланиб бораётганини мамнуният билан қайд этди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг Туркменистонга ташрифи ниҳоясига етди.

Ишончёрликларитопширилди

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов 10
декабрь куни Оқсаройда Иордания Ҳошимийлар Подшоҳлиги,
Швейцария Конфедерацияси, Эрон Ислоҳ Республикаси,
Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Бирлашган Қироллиги,
Қувайт Давлатининг мамлакатимиздаги Фавқулодда мухтор элчилари этиб тайинланган
Солиҳ Аҳмадал-Жаварнеҳ, Штефан Клёцли, Баҳман Оғаразий Дўрмоний,
Кристофер Аллан ва Аҳмад Холид Абдуллаал-
Жийрондани шончёрликларини қабул қилиб олди.

Давлатимизраҳбаримамлакатимиздагидипломатикваколатхоналарнингянгитайинла
нганраҳбарларинисамимийқутларэкан,
Ўзбекистонушбудавлатларбиланўзаромуносабатларниизчилривожлантиришгаалоҳ
идааҳамиятберишинитаъкидладивауларнингмасъулиятлифаолиятигамуваффақиятт
илади.

Иорданияэлчисибилансухбатдамамлакатларимизўртасидатурлисоҳалардаўрнатилга
нҳамкорликкаюксакбаҳоберилди,
ўзаромуносабатларниянадаривожлантиришдантомонларманфаатдорэкани,
букўпқирралиҳамкорликнингмавжудсалоҳиятидантўлиқфойдаланишимконинибери
шитаъкидланди.

ЭлчиСолиҳАҳмадал-
ЖаварнеҳИорданияПодшоҳиАбдуллоҳИккинчинингсамимийсаломиваэҳтироминие
тказди,
мамлакатимизбутунминтақадамухимўринтутишиниваИорданияраҳбариятиЎзбекис
тонбиланмуносабатларниянадамуस्ताҳкамлашгаалоҳидаэтиборқаратишинитаъкид
лади.

ШвейцарияКонфедерациясиэлчисиШтефанКлёцлинафақаттажрибалидипломат,
балкиМарказийОсиёнингэкологикмуаммоларибўйичамутахассиссифатидаҳамяхши
маълум.

УмамлакатимиздабошлаётганфаолиятидаШвейцариябиланЎзбекистонўртасидаги
нъанавийалоқаларниянадакенгайтиришгаэтиборқаратишиникайдэтди.

ШвейцарияПрезидентиДидьеБуркхальтернингўтганйилнингхохиридаЎзбекистонгат
ашрифиваолийдаражадагисамаралимузокараларсиёсиймулоқотнимустаҳкамлаш,
турлисоҳалардаўзароҳамкорликникенгайтиришнингистикболлийўналишларинибел
гилашимкониниберди.

МамлакатимизгаякинқўшниваистикболлиҳамкорҳисобланганЭронбиланмуносабат
ларўзароманфаатлибарчайўналишлардамустаҳкамланиббормоқда. Томонлар,
айниқса, савдо-иқтисодий ва транспорт-коммуникация соҳаларидаги алоқаларни
изчил ривожлантирмоқда.

Элчи Баҳман Оғаразий Дўрмоний Эрон ва Ўзбекистон, халқларимиз ўртасидаги
дўстона муносабатларни янада чуқурлаштириш, давлатлараро битимлар ва
эришилган келишувларни амалга оширишда ўзининг билим ва дипломатик
тажрибасини ишга солишини таъкидлади.

Ўзбекистонда Буюк Британияга дунёдаги кучли сиёсий, иқтисодий, гуманитар
имкониятга эга, глобал ва минтақавий жараёнларга таъсир кўрсата оладиган етакчи
давлатлардан бири сифатида қаралади. Айти пайтда турли соҳаларда алоқаларни

босқичма-босқич ривожлантириш имконини берадиган ўзаро англашув ва амалий ёндашув Ўзбекистон — Британия ҳамкорлигининг асосини ташкил этади.

Элчи Кристофер Аллан Буюк Британия раҳбарияти Ўзбекистон билан узок муддатли ва ўзаро манфаатли муносабатларни мустаҳкамлашга тайёр эканини ва ушбу вазифани амалга оширишда у бор куч-ғайратини ишга солишини таъкидлади.

Кувайт Давлати элчиси билан суҳбат чоғида бугунги кунда икки томонлама алоқалар изчил ривожланиб бораётгани қайд этилди. Ўзбекистон ва Кувайт турли соҳаларда, жумладан, БМТ, Ислом ҳамкорлик ташкилоти ва бошқа ташкилотлар доирасида самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Ўзбекистон Президентининг 2004 йил январда Кувайтга ташрифи ва Кувайт Амирининг 2008 йил июль ойида мамлакатимизга ташрифи ўзаро муносабатларимизни янги босқичга кўтарди, сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестициявий ва маданий-гуманитар алоқаларни янада фаоллаштириш имконини берди.

Элчи Аҳмад Холид Абдулла ал-Жийрон ўзаро манфаатли муносабатлар бўйича тўпланган тажрибани янада бойитиш, Ўзбекистон ва Кувайт манфаатларига мос келадиган янги қўшма лойиҳаларнинг ҳаётга татбиқ этилишига ҳисса қўшишни ўзининг асосий вазифаси, деб билишини таъкидлади.

ЁШЛАР ИСТИҚБОЛИ ЙЎЛИДАГИ МАСЪУЛЛИК

“Туркистон” саройида “Йилнинг энг фаол маънавият тарғиботчиси” республика кўрик-танловининг якуний босқичи бўлиб ўтди. Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида халқимиз, айниқса, навқирон авлод маънавиятини юксалтириш, жамиятимизда ўзаро меҳр-оқибат, ҳамжиҳатлик ғояларини мустаҳкамлаш, тинчлик-осойишталикни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди. Анъанавий тарзда ўтказилаётган «Йилнинг энг фаол маънавият тарғиботчиси» республика кўрик-танлови бу йўналишдаги илғор иш усулларини оммалаштириш, фаол, изланувчан, ташаббускор маънавият тарғиботчиларини қўллаб-қувватлашдек эзгу мақсадларга хизмат қилаётир.

АФҒОНИСТОНДА ЭНЕРГЕТИК ХАВФСИЗЛИК ТАЪМИНЛАДИ

Осиё тараққиёт банки (ОТБ) яқиндагина Афғонистондаги мавжуд энергетик объектларни кўллаб-қувватлаш, энергия таъминотига кўмаклашиш учун янги воситаларни тақдим этиш, таъминот сектори самарадорлигини ошириш ва энергетика соҳасида трансчегаравий савдони кенгайтиш мақсадида грантлар кўринишида” 1,2 миллиард АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратди, дейилади ОТБ баёнотида. Central Asia Online маълумотларига кўра, ушбу маблағлар 2015-2025 йиллар давомида бир неча траншлар кўринишида тақдим этилади. “Афғонистон ўз энергиясининг 80 фоизга яқинини қўшни мамлакатлардан импорт қилади”,- дейди ОТБ вакиллари. Уларнинг таъкидлашича, мамлакатнинг энергетик хавфсизлиги “фавқулодда қарам” ҳисобланади.Биринчи транш туркман-афғон алоқа тармоғини модернизация қилишга йўналтирилиб, Афғонистоннинг қўшни мамлакатдан кўпроқ электр энергияси импорт қилишига имкон туғдиради, дейилади ОТБ баёнотида.

БУЮК БРИТАНИЯ ХРИСТИАН ДАВЛАТИ МАҚОМИДАН ЖУДО БЎЛИШИ МУМКИН

Буюк Британияда христианлик тарафдорлари сони кун сайин камайиб бормоқда, шу боис келажакда у плюралистик давлатга айланиши мумкин. Бу ҳақда TheIndependent нашри ёзмоқда. Шу билан боғлиқ равишда экспертлар гуруҳи давлатнинг асосий маросимларини ўзгартиришни таклиф қилмоқда. Тож кийдириш маросими шулар жумласидандир. Шунингдек, лордлар палатасида епископлар сонини қисқартириш, бошқа дин етакчиларига йўл очиш таклиф қилинмоқда. Икки йиллик тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, айти пайтда британияликларнинг 40 фоизигина ўзларини христиан деб ҳисоблайди. Ислом, ҳиндавий ва сикхий динлари Буюк Британияда энг кенг тарқалган динлар рўйхатида яҳудийликдан ўтиб кетди. Бундан ташқари, охириги 30 йил ичида атеистлар ва ўзини ҳеч қандай диний конфессияга мансуб деб ҳисобламайдиганлар сони ошиб бормоқда. Агар 1983 йили британияликларнинг учдан бир қисми бундай позицияда турган бўлса, 2014 йилда фуқароларнинг ярми ўзларини атеист ва агностик деб атади.

РОССИЯ ТУРКИЯДА АЭС ҚУРИШНИ ТЎХТАТДИ

Россиянинг “Росатом” давлат компанияси Туркияда “Аккую” АЭСини қуришни тўхтатди. АЭС лойиҳасини амалга ошириш 20 млрд доллар деб баҳоланган эди. Унинг биринчи блоки 2019 йилда ишга туширилиши лозим эди. Агентликнинг маълум қилишича, бу сиёсий зиддиятлардан кейин қабул қилинган мантиқли қарор бўлган. Туркия ушбу АЭСни қуришни давом эттиришдан манфаатдор эканлигини маълум қилган.

ПУТИН: РОССИЯ “ОЗОД СУРИЯ АРМИЯСИ”ГА КЎМАК БЕРМОҚДА

Россия президенти Владимир Путин Мудофаа вазирлигининг кенгайтирилган ҳайъат йиғилишида “Озод Сурия армияси”нинг 5 мингдан кўпроқ кишидан иборат қисмлари ҳукумат қўшинлари билан биргаликда ИШИД жангарилари позицияларига ҳужум қилаётганини айтди. “Алоҳида таъкидлайман, бизнинг авиағуруҳ иши ҳам ҳукумат қўшинлари, ҳам “Озод Сурия армияси” саъй-ҳаракатларини бирлаштиришга кўмак бермоқда. Ҳозирда “Озод Сурия армияси”нинг умумий сони 5 мингдан кўпроқ одамни ташкил қилган қисмлари ва мунтазам қўшинлар Хомс, Хама, Ҳалаб ва Раққа вилоятларида жангариларга қарши ҳужумкор ҳаракатлар олиб бормоқда”, деб айтди Путин. У таъкидлашича, Россия “Сурия армиясини қўллаб-қувватлагандек, “Озод Сурия армияси”ни ҳаводан қўллаб-қувватламоқда, уларга қурол-аслаҳа, ўқ-дори ва моддий воситалар билан ёрдам бермоқда”. Аввалроқ Путин ҳарбийларга иложи борича қаттиққўлроқ ҳаракат қилишларини ҳамда Россия Қуролли кучларига Сурияда хавф солувчи исталган нишонларни йўқ қилишни буюргани маълум қилинганди.

Ахборот соати раҳбари

Тугалов А